

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Тестда 32 тест топшириғи бор.

Синовнинг бу қисми жавобни танлаши вазифасидан туради. Ҳар бир саволга түрт вариант жавоб берилади. Уларнинг ичидан фақат биттаси түгри жавоб бўлади. Ҳар бир савол учун сиз танлаган жавобнинг ҳарфини доирага олинг.

1-қисм

1-бўлимда 28 тест топшириғи бор

№1. Қуйида берилган тўртликлардан омоним сўзларга мосини аниқланг.

- А) Чучмома гул зангори,
Жажжигина қўнгироқ
Бошин эгтан иболи
Узуб олайми, ўртоқ?
- Б) Сен шаҳаншоҳликни олгин,
Менга құллик бўлса бас,
Бор жафокорлик сенга-ю
Бор вафодорлик менга.
- Б) Келар сел, кўкда гоҳо бўлса чақмоқ,
Зарар қилгай данакни тища чақмоқ.
Ёмондир икки ўртоқ ўртасида,
Уриштиримоқ учун бир-бирига чақмоқ.
- Г) Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,
Ложувард уфқунинг тубига яқин.
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,
Чайқалар кўзларим тикилган сари.

№2. Синоним сўзлар қаторини топинг.

- А) Куч, қувват, шаддод
Б) Юз, башара, ниқоб
- Б) Шамол, ел, шабада
Г) Олам, Ватан, тўлиқ

№3. Қуйида иборалар берилган қаторни белгиланг.

- А) Фигони фалакка чиқмоқ, ноғорасига ўйнамоқ, оғзи қаттиқ одам
Б) Игнанинг кўзи, ширин қанд, кўл томири, ит тумшуг
В) Пўлат қилич, қўли гул, танбурнинг қулоғи, қозонинг қулоғи
Г) Чаман бўйи, дўстлар давраси, чехрасидаги тараддуд

№4. Қуйида қўшма сўзлар иштирок этган гапни белгиланг.

- А) Маълум бўлдиким, сиз жаноб бу хусусда биз билан маъқулсиз?
Б) Қош-қовоғи ўюлиб, башарасидан заҳар томиб турарди.
В) Атлас бўлганда ҳам қанақа атлас денг, худди Болтабойнинг кўнглидаги саккизтепки...
Г) Шу куни тасодифан даладан эрта қайтган отам, чопик қилаётган эди.

№5. Қуйидаги от ясовчи қўшимчалар қатнашган гапни топинг.

- А) Болали аёл машина кутиб турган эди.
Б) Ўқтам хайрлашар экан...ховлидан булбулникидай янгроқ, ёқимтой, тоза овоз эшитилди.
В) Дўстлик нима, душманлик нима,
Фарқ этаман, шак келтирмам ҳеч.
Г) Қутида етмиш шар бор,
Унда қизил, кўк, сариқ.

№6. Нукталар ўрнига мос келадиган қўшимчалар қаторини белгиланг.

Бир чигит... кўкариб,
Сен ўсасан кўпайиб,
Нур... баҳра оласан,
Бошинг кўк... кўтариб.

- А) –дан, - га, - ни Б) –ка, - дан, - да В) –да, - дан, - ка Г) – га, - дан, да

№7. Сифат ясовчи қўшимчалар иштирок этган гап қайси қаторда берилган?

- А) Ровийлар дерлар: дунёда севинтирувчи бирон нарса йўқки, кетидан хафа қилгувчи бир нарса келмаса.
- Б) Серчанг, сершовқин кўчаларда одамлар дарёдай оқиб борарди.
- В) Олтovлон ола бўлса, оғзидагини олдирап, тўртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирап.
- Г) Одамда уч фазилат бор: тўғри сўзлайди, ҳаромдан сақланади, мол-дунё орттирумайди.

№8. Қуйида кўмакчилар қайси гапда иштирок этган?

- А) Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриги кучлимиди, ҳар ҳолда намозшомгул каби ёпиқ эди.
- Б) Товус узр сўраб деди: мен қаср ва гулшанларга зийнат берувчи қушман.
- В) Ҳар ким насиҳат қилишни ёки насиҳат олишни истайди, аммо оз киши уни қабул қиласди.
- Г) Фақат қониқмасликгина кишини ўз устида ишлашга ундаиди.

№9. Бошқарув йўли бириккан гапни аниқланг.

- А) Камтарона ва оҳиста юриш мусулмонларга хосдир.
- Б) Ёмондан қоч, яхшига қулоч оч.
- В) Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг эскиси яхши.
- Г) Олимжон кулиб юборди.

№10. Қуйида берилган гаплардан содда гапни топинг.

- А) Сатрлар орасида одамни ўйлатадиган, олам сирларидан воқиғ қиладиган ноёб фикрлар барқ уриб туради.
- Б) Жаҳл келганда, ақл қочади.
- В) Ақл идиши чуқур бўлса, обрў тўкилмайди.
- Г) Ҳаммамиизда ҳам ўзимизга яраша жаҳл ва инжиқлик бор, аммо Ғафур аканики бошқаларнидан сал ортикроқ.

№11. Қуйидаги берилган гаплардан тўлдирувчи қатнашган гапни аниқланг.

- А) Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.
- Б) Камтар ва олижаноб Алишер Навоий бобомиз туркий тилимиз асосчисидир.
- В) Кўчада юрсанг, хушёр юр, одобингни сақлаб юр.
- Г) Яхши турмуш яхши меҳнат натижасида келиб чиқади.

№12. Қуйидаги гаплардан миқдор-даража эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

- А) Саида буларни кўриб қанчалик хурсанд бўлган бўлса, хужрани кўриб шунчалик таъби тирик бўлди.
- Б) Кичикка мурувват энг латиф ва энг ёқимли бўлади, гўё озгина сув энг ширин ва мазали бўлганидай.
- В) Хонзода бегим мувозанатини йўқотиб, ёнида бораётган канизга қўл чўзди.
- Г) Кимнинг миясида иллат бўлса, унинг сўзида боғланиш йўқ.

№13. Қуйида эргаш гапли қўшма гапнинг қайси тури қатнашган?

У шундай эҳтиёткорлик билан эмакладики, ҳатто қамишилар ҳам шитирламади.

- А) Тўсиқсиз эргаш гап Б) Мақсад эргаш гап В) Кесим эргаш гап Г) Натижа эргаш гап

№14. Илмий услубга хос гапни аниқланг.

- А) Мухбиримизнинг хабар беришича, ўтган ҳафтада вилоятимизда “Ижтимоий адолатга эришиш учун адолатли бошқарув сари интилиш” номли янги лойиҳа ўз ишини бошлади.
- Б) Кўзнинг ишлаш фаолияти чинакам мўъжиза. Одатда кўзни фотоаппаратга қиёслашади. Кўзнинг шаффофф пардаси остида корачиқ деган автоматик тўр бор.
- В) Абдусаматқори – секин ва мулоим товуш билан гапирар, ҳеч ким билан баҳслашмас, мушукка ўхшаб мулоим қадам босар эди...
- Г) Ташланганга тош тегмас, деб бежиз айтмаганлар. Олтинчи қуни ушбу чақалоқ қолиб, унинг ҳимояси бўлган бошқа чақалоқ ўлиб қолса бўладими!?

Үқишиңдердеги түшүнүштөрүү (№ 15-24)

Қадим замонларда бир кишининг учта ўғли бор экан. Вақти – соати келиб, отанинг қазоси яқинлашгач, болаларини ёнига чақириб шундай деди: Болаларим, сизларга қолдирадиган мол-мулким, тилла-кумушларим йўқ. Фақат икки оғиз сўзим бор. Шунга амал қилсангизлар, камлик тортмай, яхши еб, яхши кийиб юрасизлар, дебди. “Уйқуни ширин қилиб ухланглар, овқатни ширин қилиб енглар” дебди-да, омонатини топширибди. Бу гапни катта ва ўртанча ўғил бир хил тушунишибди, кенжা ўғил эса бошқа нарсани уқибди. Катта ўғил ховлисига сув септириб, дараҳт тагидаги супага қалин жойни тўшаб, вақт-вақти билан ёнбошлаб, отам айтганидай “уйқуни ширин қилиш керак” деб, устма-уст овқатлар қилдириб, “Отам айтгандай овқатни ширин қилиб ейиш шу-да”, дея турли хил таомлар тановул қилиб юраверибди. Ўртанча ўғил ҳам акам отамнинг айтганини ўрнига кўйди, мен ҳам шундай қиласман, деб у ҳам “овқатни ширин қилиб, уйқуни ширин қилиб” яшайверибди. У ёқقا ағанаб, бу ёққа ағанаб, еб-ичиб, еган овқатининг ҳам, ухлаган уйқусининг ҳам мазасини билмай юраверибди. Бора-бора ака-уканинг ейишга овқати-ю, кийишга кийими, ётишга кўрпаси қолмай, ночор аҳволга тушиб қолишибди.

Кенжә ўғил темирчилик ҳунарини ўрганибди. У ишлаб, хориб-чарчаб келганды еган қаттиқ нони-ю, ичган суви борган сари ширин татииверибди, устига устак давлати зиёда бўлиб кетаверибди....

Бу дунё синов дунёси, унда ҳамма нарса меңнат, мاشақатга боғлиқ. Ким меңнат қилса, роҳат кўради. Ким дангасаликка ўрганиб, мунтазам равишда роҳатга майл қилса, роҳатдан маҳрум бўлади ёки унга асло эришолмайди. Шунинг учун ҳам донолар: “Агар чарчашни хоҳламасанг, чарчагин!” дейишган. Яъни “Машақатлардан қутилиб, роҳатга эришмоқчи бўлсанг, аввал мاشақат билан меңнат қил, ундан кейин чеккан машақатларинг эвазига умр бўйи роҳатда яшайсан”, деганидир бу.

№15. Донолар умр давомида инсонларни нима қилишга чорлаятилар?

- А) Күнгли тусаган нарсани қилиб, еб ичишга.
 - Б) Машаққат билан меҳнат қилиб, роҳатда яшашга.
 - В) Дўст орттиришликка чорляяпти.
 - Г) Бойлик орттиришга ва сарфлашга.

№16. Матндан ўзингиз учун нима олдингиз?

№17. Ака-уқаларнинг ичидаги меҳнат қилишдан қочмаган бу - ...

№18. Отанинг насиҳатини қандай түщундингиз?

- А) Ширин уйку ва ширин овқат барака, ризқ келтиради.
 - Б) Ота дуосин олсанг ҳаётда роҳат кўрасан.
 - В) Ҳалол меҳнат билан топилған ҳар қандай таом мазали, ҳаёт эса баракали бўлади.
 - Г) Ейишга овқатинг қолмаса мазза қилиб дамингни ол, барака ўз ўзидан келади.

№19. Нега ақалар шу ҳолатга тушишди?

- А) Бирдамлық йүк. Б) Хунарий ўйык. В) Манмансираган. Г) Ишёөмас.

№20. Ота фарзандалрига нима деди.

- A) "Үйқуни ширин қилиб ухланглар, овқатни ширин қилиб енглар".
 - B) "Мәхнатни қилиш шарт әмас вақти келиб қылсанғизлар бұлади".
 - C) "Устма-уст овқатлар қилдириб, дараҳт тагида мазза қилиб дам олинглар".
 - D) "Хұнарингизни ишга солиб ҳалол мәхнат қилинглар ва ойланғизни асранг".

№21. Ота фарзандларига икки оғиз сўзига ҳаёти давомида амал қилсалар қандай яшанини уқтириди?

- А) Ҳаётда камлик тортмай, яхши еб, яхши кийиб юрадилар.
- Б) Ҳаётда Тилло-кумушларга кўмиладилар.
- В) Ҳаётда барча бойлигидан мосуво бўладилар.
- Г) Ҳаётда у ёкка, бу ёкка аганаб еб-ичиб, уйкуни мазасини билмай ўтаверадилар.

№22. Матнни қандай номлаган бўлардингиз?

- А) Ҳалол меҳнат.
- Б) Ширин уйқу ва ширин овқат.
- В) Уч оға-инилар.
- Г) Кенжা ўғил.

№23. Муаллиф айнан ушбу матн яқунида гапни нима учун уч нуқта билан тугатди?

- А) Мазмунан тугалланмаган дарак гаплар охирига кўпнуқта қўйилади.
- Б) Мазмуни аниқ очилмаган гаплар охирига кўп нуқта қўйилади.
- В) Кутимаганда бир фикрдан бошқасига ўтиб кетишиликда кўп нуқта қўйилади.
- Г) Гапда берилган саноқдаги қаторни яна давом эттириш мумкинлигини, унинг тугамаганлигини кўрсатиш учун кўпнуқта қўйилади.

24. Ушбу матн мазмун ва маъно жиҳатдан қайси хикояга яқин?

- А) “Уч оға-ини ботирлар”.
- Б) “Ота васияти”.
- В) “Меҳнаткаш ўғил”
- Г) “Олтин олма дуо ол”.

№25. А.Навоийнинг тўрт девондан иборат китоби қандай номланади?

- А) “Тарихи мулки Ажам”
- Б) “Тарихи анбиё ва ҳукамо”
- В) “Хазойин ул-маоний”
- Г) “Мухокамат ул-луғатайн”

№26. З.М. Бобурнинг ушбу рубойиси қайси мавзуга оид?

- Рафтори-ю қаддига равоним садқа,
Бир боқишиға икки жаҳоним садқа,
Оғзи-ю белиға буду нобудим сарф,
Кўзи-ю лабиға жисму жоним садқа.
- А) Самимият
 - Б) Муҳаббат
 - В) Яхшилиқ
 - Г) Одоб

№27. А. Ориповнинг (“Биринчи Муҳаббатим”) шеъридан олинган

“Йўлни йўқотса одам-муҳаббатга суюнгай” мисрасини изоҳланг.

- А) Севган ёрига
- Б) Аллоҳга
- В) Жойнамозга
- Г) Туйғуга

№28. Ч. Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романида Найман она дафи ғилигидан жой қандай номланади?

- А) Оқмоя
- Б) Сариўзак
- В) Она Байит
- Г) Найман она

2-қисм. Бу бўлимда 2 тест топшириг бор.

Синовнинг бу қисми мос келтириши вазифаларидан иборат. Чап томонда берилган ҳар бир элементга ўнг томонда берилган элементларнинг ичидан мос келганини танланг (б.а. мос келган икки элементни бирлаштиринг). Устундаги бўши жойларга мос келган рақамни зинг.

2.1. Қўйида адабий жанрларни мазмун моҳиятига қараб мослаштиринг.

А) Пародия	1) Вокеий ҳодиса ёки афсоналар баён қилинган эпик асар; сюжетнинг мураккаблиги жиҳатидан романдан кўра соддароқ бадиий асар бу... дир.
Б) Қисса	2) Вокеликни аллегорик (кинояй) ва символик (рамзий) образлар ёрдамида ифодаловчи, реал турмуш ва одамларнинг кўринишлари, характер қирраларини киноя, кесатиш, кулгу, ғазаб каби хусусиятлар воситасида очувчи, “қиссадан ҳисса” чиқарувчи эпик жанр бу... дир.
В) Ҳикоя	3) Бир шоирнинг шеъридан икки ёки тўрт сатр олиб, уни ҳазил тариқасида давом эттишилик.
Г) Масал	4) Киши ҳаётида бўлган бир эпизодни тасвирлаш, бирор нарсанинг оғзаки баёни, тафсилоти насрой йўл билан ёзилган кичикроқ бадиий асар бу... дир.
	5) Тайин гоявий бадиий ва шаклий шартларга биноан яратилган тўрт мисрадан иборат фалсафий, ахлоқий, таълимий ёки ишқий мавзудаги асар.

Жавоб:

A	
Б	
В	
Г	

2.2. Қуйидаги образларни ўз асарларига қараб мослаштириңг.

А) "Мувозанат"	1) Абдуллатиф, Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Мухиддин.
Б) "Асрға татигулик кун"	2) Юсуф, Амир, Гулшода, Қария чўпон, Ҳалима ая, Одил ака.
В) "Улугбек хазинаси"	3) Зеби, Раззок сўфи, Курвонбаби, Пошшахон, Мингбоши.
Г) "Кеча ва Кундуз"	4) Найман она, Манқурт, Жўломон, Жунгжан.
	5) Кумуш, Отабек, Зайнаб, Ўзбек Ойим

Жавоб:

A	
Б	
В	
Г	

3-қисм. Бу бўлимда 2 тест топширма

Синовнинг бу бўлими жавобни кетма – кет тартибда жойлаштиришдан иборат. Яъни тартиби, маъноси ва мазмуни, даври, воқеа-ҳодисаларига қараб. Жавобни атайин берилган катакларга (бир катакка битта рақам) ёзинг.

3.1. Қуйидаги жанрларни кетма-кет тартибда кичикдан каттага қараб қўйиб чиқинг.

1. Роман 2. Эртак 3. Мақол 4. Шеър
- Жавоб:

--	--	--	--

3.2. Муғанийнинг қуида келтирилган тўртлигидағи энг охирги мисра сўзларини маъно ва мазмунига қараб кетма-кет тартибда қўйинг.

Юзингдан Беҳиштга қандоқ бурилсам?
Найлайин, ишқингга шундоқ берилсам?
Саккиз жаннатингнинг завқин топарман,
.....,,

1. Тирилсам... 2. Куйсаму 3. Ўлсам 4. Кўрсаму

Жавоб:

--	--	--	--

4 бўлимда тест топшириғи берилмаган!

Тест якунланди! Жавоб варагига барча жавобларни ўтказишини унутманг!!!